Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 23 сентябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 72 (7069)

Da'vat

Одам табиатан қизиқ яратилган - бойлигини йўқотса хафа бўладию умри зое кетаётганига эса парво қилмайди.

Абул ФАРОЖ

Ibrat

«Пахтасаноатсотиш» Андижон вилоят хиссадорлик бирлашмасининг Уқчи пахта тозалаш заводи Марҳамат туманидаги 31-мактаб жамоасига саккизта компьютер, 610 минг сўмлик дарсликлар, шунингдек «Дамас» автомашинаси инъом қилди.

ОМАД ЯНА МАҲОРАТЛИ ХЕНМАНДА

Куз тегмасин. Мамлакатимизда сунгги йилларда бир қатор халқаро фестиваллар, курик-танловлар, симпозиумлар муваффақиятли ўтказилмоқда. Бу ҳам кўпгина кузатувлар натижасида юзага келган «Тинч юртга тўй ярашар» деган мақолнинг яна бир тасдиғи.

Утган якшанба куни худди шундай шодиёналардан бири — Узбекистон Республикаси Президенти кубоги учун булган теннис буйича V халқаро турнир поёнига етди. «Юнусобод» теннис кортида булиб ўтган ушбу турнирнинг ёпилиш маросими булиб ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Бу йилги «Президент кубоги» учун беллашувларга ҳам жаҳоннинг машҳур теннисчилари таш-

PRESIDENT'S CUP UZBEKISTAN INTERNATIONAL TENNIS TOURNAMENT

риф буюришди. Тобора нуфузи ошиб бораётган «Эй-Ти-Пи-Тур» сериясига киритилган ушбу халқаро турнирда барча учрашувларнинг кескин ҳамда қизиқарли ўтганлигининг боиси ҳам шунда.

Айниқса, финалда ўтган йили ҳам турнирда қатнашиб, ўзбек теннис мухлислари меҳрини қозонган, дунёнинг 11-ракеткаси россиялик Евгений Кафельников ҳамда дунёнинг 13-ракеткаси, ўтган йилги «Президент кубоги» нинг соҳиби буюк британиялик Тим Хенман ўртасида булиб ўтган учрашув турнирнинг энг авж палласи булди. Бу беллашувда Тим Хенман рақибини икки сетда 7:5 ва 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВнинг Ўзбекистон Президенти кубоги учун ўтказилган бешинчи халқаро теннис турнирининг ёпилиш маросимида сўзлаган нутқи

Теннис бўйича халқаро турнирнинг муҳтарам иштирокчи ва ташкилотчилари!

Ҳурматли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун ўтказилган бешинчи турнир ниҳоясига етди.

Бу турнир таркиби ва ташкил этилиши, унда жаҳондаги энг машҳур спортчилар иштирок этгани Ўзбекистондагина эмас, юртимиздан ташқарида ҳам миллионлаб теннис мухлислари ва ишқибозлари хотирасида, шубҳасиз, ёрқин из ва ўчмас таассурот қолдирди, десам хато бўлмайди.

Бугун якунланган мусобақа жаҳонда спортнинг бу чиройли ва қизиқарли турининг марказларидан бири бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мамлакатимиздаги барча теннис мухлислари учун ҳақиқий байрам бўлди.

Кескин курашлар билан ўтган етти кун ортда қолди. Биз шу кунлар давомида ўттиздан ортиқ мамлакатдан келиб, спортнинг бу мароқли тури мухлисларининг юксак ҳурмат ва меҳрини қозонган катта теннис усталарининг ажойиб ўйинини кўриш имконига эга бўлдик.

Буюк Британиялик Тим Хенман, россиялик Евгений Кафельников ва Марат Сафин, франциялик Седрик Пиолин ва Николас Эскудо, швейцариялик Марк Россе, италиялик Стефано Пескосолидо ва Лауренце Тилеман, аргентиналик Гастон Этли, германиялик Карстен Браш, исроиллик Эвал Ран ва Харел Леви, Жанубий Африка Республикаси спортчиси Невилл Годвин, нидерландиялик Рож Вассен ва Синг Шалкен ҳамда бошқа кўплаб спортчилар шулар қаторига киради.

Уларнинг, Евгений Кафельников, Тим Хенман, Марк Россе сингари, кўпчилиги халқаро Тошкент турнирида анчадан бери иштирок этади ҳамда ўзбек халқининг қадрдон дўстларига айланиб қолган. Иштирокчилар орасида Ўзбекистонга биринчи марта келган ва ўзининг ажойиб ўйини билан бу турнирга, шубҳасиз, кўрк бағишлаган спортчилар ҳам бор. Мен Ўзбекистон Президенти кубоги учун ўтказиладиган кейинги мусобақаларда уларнинг исмини такрор-такрор эшитамиз ҳамда уларнинг маҳоратидан завқ оламиз, деб умид қиламан.

Азиз дўстлар!

Бешинчи Тошкент халқаро турнири ташкилотчиларига, хусусан, қадрдон дўстимиз жаноб Сассон Какшурига, кубок директори жаноб Ян Форманга ҳамда турнир супервайзери жаноб Том Барнсга мусобақанинг юксак даражада ташкил этилгани учун самимий миннатдорчилик сўзларини айтишга ижозат бергайсиз.

Ажойиб ҳакамлик учун бош ҳакам Даниэл Геллея бошчилигидаги ҳакамлар бригадасига ҳам ташаккур изҳор этаман.

Мана шу кунлар мобайнида мусобақани юксак савияда ўтказишда хизмат қилган, ўзининг кўзга ташланмас меҳнати билан уни катта байрам, катта томошага айлантирган барча-барчадан миннатдорман.

Азиз дўстлар!

Оммавий ахборот воситалари ва телевидение вакилларига ҳам самимий миннатдорлик сўзларини айтмасдан ўтолмайман. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли Ўзбекистондагина эмас, юртимиздан ташқарида ҳам теннис мухлислари ва ишқибозлари ҳаяжонли мусобақалардан лаззатланиш, спортчиларнинг мардона курашини кузатиш имконига эга бўлди.

Турнир телевидение орқали жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатига намойиш этилгани биз — ўзбекистонликларни беҳад қувонтиради.

Мана шу ажойиб залда ўтирган азиз томошабинларга, шу кунлар мобайнида турнир иштирокчиларини қўллаб-қувватлаган, улар билан бирга ҳаяжонланган, ғалабаларидан хурсанд бўлган барча кишиларга ташаккур билдираман.

Ўзининг қалб ҳароратини мусобақа иштирокчилари билан баҳам кўрган, ўзбек халқига хос кўнгли очиқлик, бағри кенглик ва ҳақиқий шарқона меҳмондўстликни намоён қилган барча тошкентликларга миннатдорчилик билдираман.

Азиз дўстлар!

Мусобақа финалчилари, катта ракетканинг машҳур усталари Евгений Кафельников ва Тим Хенманни мардлиги, жасорати, ёрқин ва фидокорона ўйини учун қутлаш ҳамда уларга тасанно айтиш менга катта мамнуният бахш этади. Улар, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон халқи ва барча спорт мухлисларининг меҳрини қозонган.

Икки номдор теннисчининг бу ўйини мана шу залда ўтириб ҳамда телевизор экрани орқали томоша қилган барчага улкан мамнуният бахш этганига ишончим комил.

Азиз дўстлар, сизларнинг номингиздан, миллионлаб теннис мухлислари номидан мусобақа ғолиби Тим Хенманни табриклаш ҳамда унга бош соврин — кумуш «Президент кубоги»ни топширишга ижозат бергайсиз.

Иккинчи финалчи Евгений Кафельниковни мардона кураши, юксак маҳорат ва чиройли ўйини билан самимий табриклайман ҳамда миннатдорлик туйғуларини изҳор этаман.

Мана шу залда ўтирганлардан яна бир бор ўрнидан туриб, ғолибни ҳамда мусобақанинг барча иштирокчиларини қутлашни илтимос қиламан. Уларга сиҳатсаломатлик, халқаро теннис мусобақаларида омад ва янги-янги ғалабалар тилайман.

JUMLADA JAHON

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаҳон банкининг вице-президенти Иоханесс Линн бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилиб, Жаҳон банки кредитлари иштирокида мамлакатимизда амалга оширилаётган лойиҳалар аҳволи ҳамда келгусидаги ҳамкорликка оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашди.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан Қ.Ж.Ҳаққулов соғлиғи ёмонлашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Нефть ва газ саноати миллий корпорацияси бошқаруви раиси вазифасидан озод этилди.
- Тошкентда Президентнинг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси билан БМТнинг Тараққиёт Дастури ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди.
- Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати аскарлари ўзлари босиб олган ҳудудларда ваҳшийликларни давом эттираётганлиги боис, БМТ толибларга мурожаат қилиб, аҳолига нисбатан ваҳшийлик қилишни тўхтатишга чақирди.
- «Толибон» ҳаракати аъзолари яна икки нафар Эрон фуқаросини қамоққа олганлиги ҳамда Афғонистон билан чегарада 200 мингга яқин Эрон аскарлари тўпланиб қолганлигига қарамай, Эрон Президенти Муҳаммад Ҳотамий можарони тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори эканлигини билдирди.
- Душанба куни Нью-Йоркда ўз ишини бошлаган БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессиясида ҳам афғон чегарасидаги вазият юзасидан музокаралар бўлиб ўтади.

Ўқитувчи ёш дафтарига

ТЕЗЛИКДАГИ ТЕНГСИЗЛИК

Денгизчилик илмида ҳаво кўтаргичли кемалар вужудга келиши оқибатида кемалар тезлигининг бирмунча ошишига эришилди. Шундай бўлса-да, дельфин ва айрим балиқларнинг тезлиги ҳатто замонавий кемалар суръатидан ҳам ҳамон юқоридир. Олимлар дельфин териси ва танасини ўрганиб, кемасозликда тезликни ошириш устида иш олиб бормоқдалар.

ОЛИМЛАР ОРЗУСИ

Кўршапалакнинг фазода хавфни сезиб, ўз йўналишини ўзгартира олишини биласиз. Ҳозир сезгирлик қуввати кўршапалак сезгисидан анча юқори бўлган кучли локаторлар ихтиро қилинган. Маълум бўлишича, парвона микроскопдагина кўринадиган учта асбоб толачаси билан кўршапалак тарқатадиган ультратовушни бемалол қабул қилаверар экан. Олимлар ана шундай ўта сезгир антенна яратишни ҳозирча фақат орзу қилмоқдалар.

КАЛАМУШ ТИШИГА ҚИЁС

Токарлик дастгоҳининг ишлаш тартиби ҳаммага маълум. Дастгоҳ кесгичи қаттиқ қотишмалардан иборат бўлиб, махсус шаклга эга. Бу шакл эса, албатта, осмондан тушмаган-кемирувчи ҳайвонлардан сичқон ва каламушнинг тишига қиёс қилиб ишланган.

ВЕРГУЛНИНГ ТАВАЛЛУДИ

Қадимги қўлёзмаларда тиниш белгилари бўлмаган. Матн ҳеч қандай белгисиз, кетма-кет ёзиб кетилаверган. Биринчи вергулни эса, XV-XVI аср оралиғида венециялик ношир Альд Мануций амалда қўллаган экан. Шунингдек, у ўзи чоп этаётган китобларда мундарижа бериш тартибини ҳам русумга киритган.

Taraddud

ЭЪЗОЗ

Козим ТЎЛАГАНОВ, Тошкент шаҳри ҳокими

Ўқитувчилар ва мураббийлар кунининг умумҳалқ ва умуммиллий байрам сифатида нишонланиши баркамол, соғлом, маърифатли ва маънавиятли авлодни тарбиялаб етиштириш жабҳасида ўз билими ва тажрибасини, куч-ғайратини аямай, фидойилик кўрсатаётган устозлар меҳнатига давлатимиз раҳбари ва республикамиз ҳукуматининг муносиб баҳосидан яққол далолат бериб турибди.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқида «Ўқитувчи-мураббийларнинг ҳаётий талабларини қондириш, уларни рағбатлантириш, уларнинг ўз иши, касбидан мамнун бўлишини таминлаш лозим», деб алоҳида таъкидлашлари ҳам худди шуни исботлайди.

Дарҳақиқат, ҳозирда шакллана ётган давлатимиз ва жамиятимизнинг кейинги тақдирини ҳал этадиган ёшларни тарбиялашда ўқитувчилар ва мураббийларнинг масъулияти бениҳоя юксакдир. Буни чуқур ҳис қилган шаҳар ҳокимияти пойтахтда жойлашган халқ таълими муассасалари негизини мустаҳкамлаш, педагогларга етарли даражада шарт-шароит яратиш борасида барча имкониятларни ишга солмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва уларни амалга ошириш борасида қабул қилинган қатор ҳукумат ҳужжатларида акс этган вазифаларни, мақсадларни нақадар самарали ҳаётга изчил татбиқ этилиши ўқитувчи ва тарбиячиларга яратилган шароитга боғлиқдир. Шуни таъкидлаш лозимки, Тошкент шаҳридаги мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларининг моддий қувватини мустаҳкамлаш, уларни замон талаблари даражасида жиҳозлаш учун бу йил 102 миллион сўм

(Давоми 2-бетда)

Куни кеча пойтахтимиз Тошкентда Халқаро симфоник мусиқа фестивали очилди. Узбекистонда илк бор ўтказилаётган бу фестивалнинг муҳташам «Туркистон» саройида тантанали очилиши республикамиз маданий ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири булди. Зеро, мазкур фестивалга дунёнинг 20 га яқин давлатларидан иштирокчилар ташриф буюриши мустақил Узбекистоннинг жаҳон мусиқа оламига тобора дадил қадам қўйиб кириб бораётганидан далолатдир.

Куннинг биринчи ярмида Узбекистон Бастакорлар уюшмасида мазкур фестивалнинг бошланиши муносабати билан матбуот анжумани булиб ўтди. Унда республика Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев, маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Отаназар Матёқубов, Тошкент Давлат консерваторияси ректори Равшан Юнусовлар республика оммавий-ахборот воситалари вакилларининг мазкур халқаро фестивалнинг ташкилий масалалари, концертлар дастури ва бошқа масалалар ҳусусидаги саволларига атрофлича жавоб беришди.

Матбуот анжуманида халқаро симфоник мусиқа фестивали кунлари асосан концертлар билан бандлиги, аммо фестиваль дастурида «Миллий анъаналар ва замонавий бастакорлик ижоди» мавзусида фестиваль меҳмонлари ва юртимиз бастакорларининг давра суҳбати ўтказилиши ҳам алоҳида таъкидланди.

— Фестивалнинг биринчи куни «Туркистон» саройидаги симфоник мусиқа концерти халқимизнинг севимли бастакори, Узбекистонда бастакорлик ижоди карвонбошиларидан бири, мустақил Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мусиқасининг муаллифи Мутал Бурҳоновнинг Абдулла Ориповнинг сўзига яратилган «Алишер Навоийга қасида» асари билан бошланади, — деди Узбекистон бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. — Бу асарни Узбекистон миллий симфоник оркестри ижро этади. Шу кунги концертга унга республикада хизмат кўрсаттан артист Қ.Усмонов, Д.Виллиенкорт (Франция), А.Эргашев, В.Неймерлар дирижёрлик қилишади.

Фестиваль дастуридаги концертлар «Туркистон» саройида бошланиб, М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси ҳамда Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида давом этади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, бу фестиваль дастурига хорижий бастакорларнинг энг янги асарлари, юртимиз бастакорларининг эса мустақиллик йилларида яратилган асарлари танланганлиги билан аҳамият касб этади. Шунингдек, мазкур мусиқа фестивали республикамиздаги «Наврўз», «Олтин мерос» халқаро ҳайрия жамғармалари, «ЭКОСАН» экология ва саломатлик халқаро жамғармаси ҳамда «Марказий Осиё халқларининг маданияти ассамблеяси» ривожлантириш жамғармаси ҳомийлигида ўтказилаётганлиги бу тадбирнинг доврўгини дунёга танитмоқда.

Нурлан УСМОНОВ

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ БОШЛАНДИ

Tajriba-sinov maydonlarida

«МАЙДОН»ЛАРДА НИМА ГАП?

... Шундай қилиб, бугунги мавзумиз яна янги дарсликлар, тажриба-синов майдончалари, ютуқлар ва муаммоларга қаратиладиган бўлди. Албатта, бугун мактаб дарсликларининг, дастурларнинг тубдан янгиланаётганидан барча бохабар. Янги дастурнинг янги имкониятлари ҳақида газетамиз саҳифаларида ўқидингиз. Эсингизда бўлса, ўша чиқишларимизда эски дастурда ундоқ эди, энди янги дастурда бундоқ бўлар экан, деган башоратлар қилган эдик. Бугун ана шу башоратларимиз қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлиги хусусида суҳбатлашамиз. Чунки, ушбу ишлаб чиқилган янги дастурлар муайян жойларда тажрибадан ўтаяпти. Хусусан, адабиёт фани бўйича пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 274-ўрта мактаб тажриба-синов майдончаси этиб тан олинди.

Мана энди яратилган янги дастурлардан бирининг «янги каромати» ҳақида аниқ фикр айтишимиз мумкин. Бизнинг аниқ фикр айтишимизга эса шу мактабда тажриба-синов дарсларини олиб бораётган адабиёт фани ўқитувчиси Маҳмуда Валиева кўмаклашади.

— Ҳўш, ўқувчилар янги дастур талаби билан ўтилаётган адабиёт дарсларини қандай «ҳазм» қилишаяпти? Умуман, илгари дасрни қандай ўтар эдингиз, ҳозир қандай ўтаяпсиз? Илгари билан ҳозирнинг фарқи борми?

— Саволингизга ишонч билан жавоб беришим мумкинки, ҳозиргача янги дастур асосида ўтган дарсларимнинг барчасини ўқувчилар яхши кутиб олди. Чунки янги дастурда мутлақо янгилик бор. Дейлик, 5-синфлар Конфуцийнинг ҳикматларини, Андерсеннинг «Қор маликаси» эртагини, 6-синфлар эса А.Серокнинг «Баҳодирнинг қиличи», «Баҳодирсиз қайтди арғумоқ» шеърларини, Жанни Родарининг «Рим эртаклари»ни ва ҳоказо синфлар ҳам ана шундай чинакам жаҳон адабиёти намуналарини ўқишаяпти.

(Давоми 2-бетда)

XABARLARI — MMM — XABARLARI

AVLODLAR UCHRASHUVI

Toshkent viloyati Parkent tumanidagi 27-o'rta maktabda «Avlodlar uchrashuvi» mavzuida katta anjuman bo'lib o'tdi. Unda ilm maskanida turli yillarda ta'lim olgan, ayni kunda har xil sohalarda ishlab O'zbekiston kelajagiga salmoqli hissa qo'shayotgan sobiq o'quvchilar ishtirok etishdi. Tantanada Parkent tumani hokimi Turob Xoltoyev, maktab rahbari O'g'iloy Qurbonova, bitirubchilardan Imom Ergashev, Anvar Karimov va boshqalar samimiy dil so'zlarini bayon etdilar.

U.USMONOV

BOR BO'LING, YAXSHILAR!

Navoiy viloyati Navbahor tumanidagi «Bunyod» fermer xo'jaligi boshlig'i Narzulla Mamatov bir necha yillardan buyon ilm ravnaqiga ham katta e'tibor berib kelayapti. Endi u shu tumandagi 11-o'rta maktabning yuqori sinf o'quvchilarini rag'batlantirish maqsadida har oyda o'z hisobidan 3000 so'm naqd pul ajratadigan bo'ldi. Shuningdek, bu oliyhimmat inson maktabning birinchi sinf o'quvchilarini bepul nonushta va sut bilan ta'minlashni o'z zimmasiga oldi.

A.RAZZOQOVA

ASSALOM, YANGI MAKTAB!

Yaqinda Buxoro shahri To'qimachilik tumani 6-kichik mavzesida 1296 o'rinli yangi maktab binosi ishga tushirildi. Tantanada quruvchilar maktab jamoasiga ilm dargohining ramziy kalitini topshirdilar. Zamonaviy jihozlangan fan kabinetlari, kompyuter, lingafon xonalariga ega ilm maskanining ochilish marosimida viloyat hokimi S.Husenov qatnashib, «Ta'lim to'q'risida»gi qonun, Kadrlar tayyorlash milliy dasturi talablaridan kelib chiqadigan muhim vazifalar borasida alohida to'xtalib o'tdi. Tadbirda shahar hokimi K.Kamolov, viloyat xalq ta'limi boshqarmasi boshlig'i S.Baxronova ham ishtirok etishdi.

D.JABBOROV

MMM — XABARLARI

HOMIYLAR HIMMATI

Buxoro viloyatining Qorovulbozor tumani rahbarlari xayrli tashabbus bilan chiqdilar. Kam ta'minlangan oilalar bolalarini darsliklar va o'quv qurollari bilan ta'minlash uchin tuman hokimligi 70 ming so'm mablag' ajratdi. Xuddi shu maqsadda XTB xodimlari kasaba uyushmasi 20 ming so'm, «Yangi hayot» jamoa xo'jaligi o'z hududidagi 6-maktab o'quvchilari uchun 18 ming so'm pul hadya etishdi. Tumandagi qator korxonalar ham bu tadbirdan chetda qolmadilar. Jumladan, har bir ikki yoki undan ortiq farzandi bor ishchi xodimlari oilalariga «O'zbekgazparmalash» tresti 1500, O'zbekerostiqidiruv tashkiloti 1200, Buxoro neftni qayta ishlash zavodi ma'muriyati 2500 so'mdan mablag' ajratdilar.

Muxbirimiz

ЭЪЗОЗ

(Боши 1-бетда)

маблағ ажратилди. Бундан ташқари таълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш учун қўшимча 100 мил. сўм сарфланди. Мустақиллигимизнинг 7 йиллиги арафасида 2527 ўринли 2 та мактаб биноси, 185 ўринли битта болалар боғчаси қуриб, фойдаланишга топширилди. Шаҳар ҳокимлигининг махсус қарорига биноан, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун 8 миллион 800 минг сўмлик кийим-бош, пойафзал харид қилиниб, ҳар бирига тантанали топширилди.

«Ўқитувчилар ва мураббийлар куни»га бағишланиб Тошкент шаҳрида оммавий байрам тадбирлари ўтказилади. 29 сентябрь куни муҳташам «Туркистон» саройида ушбу санага бағишланган тантанали йиғилиш ва байрам концерти бўлади. 1 октябрь куни эса пойтахтимизнинг «Мустақиллик», «Халқлар дўстлиги» майдонларида, Сайилгоҳ кўчасида ва туманлар марказларида, маданият ва истироҳат боғларида байрам сайиллари ва концертлари уюштирилади. Ўзбекистон Миллий боғидаги «Наврўз» мажмуасида олий ўқув юртлари 1-курс талабаларининг «Талабаликка бағишлов» тадбири ўтказилади. Байрам барча ўқув-тарбия масканларида ҳокимликлар, маҳаллалар қўмиталари, турли-туман жамғармалар иштирокида ўтказилади. Уларда ўқитувчи-мураббийлар, халқ таълими тизими фахрийлари, фидоий устозлар, бемор ва ногиронлар эъзозланиб, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Байрам муносабати билан 20 нафардан ортиқ халқ таълими фаоллари давлат мукофотларига, 30 нафар педагоглар Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси, 15 нафар ўқитувчилар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фахрий ёрлиғи, 2 нафар таълим жонкуярлари «Таълим ҳомийси» мукофотларига тавсия қилиндилар. Бундан ташқари, 42 нафар ўқитувчи-тарбиячилар «Тошкент шаҳар халқ таълими фидойиси», 11 нафар бошланғич синф ўқитувчилари шаҳар ҳокимияти томонидан таъсис қилинган «Оқилхон Шарафиддинов» кўкрак нишони, 50 нафар илғорлар шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланадилар. Шунинг билан бир қаторда халқ таълими тизимида ишлаётган меҳнат фахрийларининг 1000 нафарига шаҳар ҳокимиятининг қарорига биноан, 3000 сўмдан жами 3 миллион сўм мукофот берилади. Соҳа касаба қўмиталари уюшмаси 400 нафар педагогларга дам олишлари ва соғлиқларини мустаҳкамлаш учун сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар ажратди. Туманлар ҳокимликлари, жамғармалар, ишлаб чиқариш корхоналари, ўқитувчиларга ўз совғаларини тайёрлаганлар ва халқ таълими ходимлари шарафига дастурхонлар ҳам ёзадилар.

«Маърифат» газетасининг менга берган имкониятидан фойдаланиб, унинг кўп минг сонли ўқувчиларини, педагогларни, мураббий-тарбиячиларни, халқ таълими тизими ташкилотчиларини, ўқитувчиларни умумхалқ байрами—«Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» билан чин қалбдан табриклайман. Уларга юртимизнинг келажаги бўлмиш ёш авлодни тарбиялаш йўлидаги сермашаққат, шу билан бирга шарафли ишларида янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик тилайман.

«МАЙДОН»ЛАРДА НИМА ГАП?

(Боши 1-бетда)

Шуни ҳам айтиш керакки, янги дастур буйича дарс жараёнида ўқувчи кўпроқ иштирок этиши лозим. Бизнинг болаларимиз эса ҳали мустақил фикрлашга тўла ўргана олгани йўқ. Биз дарсни, ўтилаётган асар тақдирини ўқувчига ташлаб қўяяпмиз. Улар эса бу янгиликка бир оз ғалатироқ қараётган бўлса-да ҳар қалай ўз фикрини айтишдан чўчишмаяпти. Мана бир мисол . Биз яқинда 9-синф ўқувчилари билан «Алпомиш» достонини ўргандик. Ўқувчилар достонни зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдилар. Шундан сўнг ўқувчилар билан ҳамфикрликда олдимизга шундай муаммоли савол қўйдик: бугун Алпомишлар борми? Шу саволга ҳар бир ўқувчи ўз фикрини ёзиб берди. Қаранг, улардан бири нима деб ёзаяпти: «Қани энди бугун бозорларда қизларнинг атир-упаси-ю, лаб буёғини сотиб ўтирган «Алпомишлар», «Алпомиш»ни ўқиб ўз ишини қилса».

Адабиёт фанининг янги дастурида ўқувчиларни фаоллаштиришнинг бошқа муҳим имкониятлари ҳам айтилган. Ҳозирча биз дарс ўтиш жараёнимизни шундай режалаштирганмиз: ҳар дарс бошланишини адабиёт ва санъатга боғлиқ муҳим янгиликлар таҳлили билан очиш; бир дарсда бир неча усуллардан фойдаланиш; кўпроқ муаммоли дарслар ўтказиш; шоирлар дарсини ўтказиш ва ҳоказо.

Сирасини айтганда, бугун болаларга дарс бериш усулимни бутунлай янгилашимга тўғри келаяпти. Демак, бугун нафақат ўқув дастури балки ўқитув усули ҳам тубдан ўзгарди.

Яна бир нарса айтмоқчи эдим: янги дастур ҳақида илиқ гаплар айтяпмиз-у, бироқ иш бор жойда камчилик бўлгани каби дастурнинг баъзи ўринларида бизга маъқул келмаган жиҳатлари ҳам онда-сонда учрамоқда. Уларни мутахассислар билан ҳамкорликда бартараф этмоқдамиз. Бу ҳам чин маънодаги тажриба-синов жараёнида аниқланиши ва мунтазам тузатилиши керак бўлган бир масала, деб ўйлайман.

Хуллас, гапнинг индоллосини айтадиган бўлсак, янги дастур бор, янги дарслик бор, энди фақат янги тафаккур керак.

Алишер НАЗАР

МАКТАБДАГИ БУГУНГИ КУН



Бугун қайси соҳада бўлмасин, компьютерлар билан ишлаш давр талаби бўлиб қолмоқда. Шу сабаб, мактабларда ҳам информатика ва компьютер дарслари етакчи фанлардан ҳисобланади. Тошкент шаҳридаги 24-ўрта мактабда информатикадан дарс берувчи Абдужалил Локимов ҳам (1-сурат) болаларнинг севимли муаллимларидандир.

Шунингдек, ушбу мактабда 40 йилдан буён она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бериб келаётган Муҳаббат Расуловани ҳам (2-сурат) ўқувчилар беҳад ҳурмат қилишади. Унинг раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган драма тўгараги эса, болалар ҳамиша ошиқиб келадиган маскандир.

Р.АЛЬБЕКОВ
олган суратлар

ДУНЁ БИЛАН БУЙЛАШАВЕР, ЮРТ!

Узбекистон талай халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан ТАСИС дастури доирасидаги ҳамкорлиги шулар жумласидандир. ТАСИС-ТЕФАП (Фермер ва қишлоқ хўжалик ходимларини ўқитиш ва тайёрлаш) лойиҳаси икки йилдан кўпроқ вақтдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Яқинда унинг республикамизда фермерларни ва оммавий касб ходимларини қайта тайёр-лаш дастури буйича Тошкентда 13-минтақавий ўқув семинари бўлиб ўтди. Бу тадбирни Узбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Сирғали туман ҳокимлиги, Тошкент молия-иқтисод коллежи, Республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Тошкент вилоят вакиллиги ҳамда ТАСИС-ТЕФАП мутахассислари ҳамкорликда ўтказишди. Икки кунлик бу ўқув семинарда Узбекистонда қишлоқ хўжалик таълим тизимини ривожлантиришнинг янги дастурлари буйича бозор иқтисодиёти шароитида жаҳон андозаларига мос иш юритиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбирнинг иштирокчиси сифатида шунга амин бўлдикки, ТАСИС-ТЕФАП лойиҳаси гуруҳи республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, унинг тизимидаги Тошкент давлат аграр университети, Тошкент агробизнес коллежи ҳамда 3 та қишлоқ хўжалик олийгоҳлари ва 44 та ҳудудий коллежлар билан ҳамкорликда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Абдулла ТУРДИЕВ

МАШВАРАТ

ёхуд МУҲОКАМАДА АЙТИЛГАН МУЛОҲАЗАЛАР

Яқинда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент маданият институтида бир анжуман бўлиб ўтди. Анжуманки, сизу биз биладиганлардан узгачароқ. Расмиятчилигу тайёр нутқни соатлаб қироат қилишдан ҳоли. Самимий бир гурунг. Дарвоқе, катта аҳамиятга эга бўлган масалаларни кўп расмий оҳангда эмас, самимий мусоҳабада ҳам муҳокама қилса булар экан. Мазкур тадбирдан сўнг биз шундай тўхтамга келдик. Ва уни анжуман эмас, машварат деб номлашга журъат этдик.

Энди бевосита ушбу машварат хусусида. Унда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонун муҳокамаси бош мавзу бўлди. Институт ректори Азиз Тураев суҳбатга тоб берар экан, бугунги кунда замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш асосий вазифалардан бири эканлигини таъкидлади ва институт ўқитувчиларини гурунгга тортди.

Машваратда кўп ва хўб гаплар айтилди. Улардан баъзиларини таважжуҳингизга етказмоқчимиз.

КЕРАКЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙЛИК

Бахтиёр Сайфуллаев, институт декани:

— Шуро замонининг иллатларидан бири ҳар ишда урҳо-ур, ҳайбаракаллачилик эди. Жумладан, таълим тизимида ҳам. Мутахассис-кадрлар тайёрлашда унинг сифатига, керак-нокераклигига эмас, балки сонига эътибор бериларди. Энди у замоннинг ўйинлари ўтди. Бугун воқеликдан келиб чиқиб, жамият учун зарур кадрлар тайёрлаш керак. Институтимизда бу борада талай ишлар амалга оширилди. Янги бўлимлар ташкил этилди. Баъзи бўлимлар ўйғунлаштириб юборилди. Мана, фольклор-этнография бўлими. Унинг очилиши айни муддао бўлди. Юртимизда ўтказилаётган катта тантаналарнинг залворлигина юки шуларнинг гарданида. Зарур, бироқ биз ҳали илғай олмаётган шу каби мутахассисликлар ҳали кўп.

ТАЛАБГА ҚАРАБ ИШ КЎРАЙЛИК

Қодир Мирзиёев, кафедра мудири:

—Талабаларимизнинг институтдан кейинги ҳаёти билан кам қизиқамиз. Улар ўз мутахассислиги буйича ишлаяптими ёки иш топа олмай бошқа соҳага ўтиб кетдими - буни билиш жуда муҳим. Очиғи, баъзи мутахассисларимизга жойларда талаб жуда кам. Институтимизда маркетинг бўлимининг очилгани яхши бўлди. Жойларда мутахассисликларимизга бўлган талабнинг нечоғлигини ўрганиб, шу асосда қабулни ташкил этишимиз керак. Шунда, қилган меҳнатимиз ҳам зое кетмайди

МАКТАБ КУТУБХОНАЧИЛАРИНИ КИМ ТАЙЁРЛАЙДИ?

Худойберган Эгамов, кафедра мудири:

— Ҳозирда республикамизда 8 мингдан ортиқ мактаб кутубхоналари мавжуд бўлиб, улардан 4,5 миллионга яқин ўқувчи истифода этади. Бироқ ушбу кутубхоналарда ишлаётган кадрлар профессионал билимга эга эмас. Институтимизда кутубхоначи-библиографлар тайёрланади. Бироқ, ҳали-ҳануз мактаб кутубхоначиларини тайёрлаш йўлга қўйилмаган. Бу жуда долзарб масала. Халқ таълими ҳамда Маданият ишлари вазирликлари бунинг ечимини топишса, қунгилдагидек иш бўларди.

***

Мана, мулоҳазалар билан танишдингиз. Бир қарашда, ушбу фикрлар биргина институт доирасини қамраб олгандай кўринади. Бироқ чуқурроқ назар ташласангиз, барчага тегишли муаммолар кўтарилганлиги аён бўлади. Биз ушбу масалаларга кейинроқ алоҳида тўхталиш ниятимиз бор. Ҳозирча эса, сарлавҳачаларни сардафтарингизнинг бир бурчига дарж этиб қўйсангиз, кифоя.

Асқар ШОКИР

Ta'lim va tadbirkorlik

Анора Камолова ажойиб, тиниб-тинчимас аёл, дея таъриф беришганда у қадар ажабланмаган эдим. Юртимизда ишнинг кўзини биладиган раҳбар аёллар камми? Наманган вилояти Поп туманидаги дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Марварид» болалар боғчасида бўлганимизда Анора опанинг изланувчан, ғайратли аёл эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Салом-аликдан сўнг бизни ичкарига бошлади. Тўғрисини айтсам, қишлоқ боғчасини бундай тасаввур этмагандим. Йўлаклар саранжом сариштa. Хоналарда машғулотлар кетяпти. Гуруҳларнинг бирида инглиз тили ўқитувчиси Латофат Қўзиева дарс ўтаётир.

Бугунги ёшлар дунёга чиқиш имконига эга. Шунинг учун ҳам улар тил ўрганиши керак. Болалар боғчасида эса инглиз тили ўқитувчиси учун ўрин берилмаган. Шу боис А.Камолова ота-оналар билан маслаҳатлашиб, уларга тил ўрганишнинг фойдаларини тушунтирди. Аввалига рўйхуш бермаган ота-оналар инглиз тили ўрганаётган болаларнинг шеър ва ашулаларини эшитгач, ўзлари ҳам қизиқиб қолишди.

Бошқа гуруҳдаги болалар театрлаштирилган томошага тайёрланишарди. Уларнинг қўлида эртак қаҳрамонлари — қўғирчоқлар. Образга кириб, монолог ва диалогларни бурро-бурро айтаётган дилбандларнинг боғча тарбияланувчиси эканига ишонгинг келмайди.

Болалар яқинда ота-оналар билан ўтказиладиган учрашувга тайёрланишаётган экан. Ахир, ота-оналар фарзанди боғчадан нималар ўрганаётгани, нима билан шуғулланаётганини билиши керак. Шу билан бирга боланинг ёдлаш қобилияти ҳам шакилланади. Кичкинтойларда ҳозирдан санъатга ҳавас туғилса ажабмас.

Бозор иқтисодига ўтиш даври эмасми, қўғирчоқлар қиммат. Тарбиячиларнинг таклифлари билан қўғирчоқ театрига эга бўлишди. Турли пайпоқ ва матолардан ясалиб, дид билан қошу кўз ўрнатилган қўғирчоқлар эътиборимни тортди. Буниси Зумрад, бу Қиммат, чолу кампирлар, Қизил шапкача, бўри билан қуён ... Уларнинг ўхшатиб тайёрланганини айтмайсизми.

Анора опа бизни иссиқхонага бошлади. Уни қуриб битказгунча Анора опа ҳам, боғчанинг бошқа тарбиячи ходимлари ҳам ҳаловат топишмади. У ерда лимон, мандарин ва апельсин ниҳоллари ўсаяпти. Меҳнатимиз жажжи болаларга фойда бўлиб қолади, деган сўзлар билан қизларни ишга рағбатлантириб туради опа.

Дон маҳсулотлари ҳиссадорлиқ жамияти маблағ билан таъминлаяпти. Ташкилий ишларни мудира ўз зиммасига олди. Ҳатто сизларга нима азоб, жонингизни қойитиб, дегувчилар бугун уларга ҳавас билан қарашаяпти.

-Ўтган йили иссиқхонада етиштирилган илк меваларни болаларга совға қилиб улашдик, — дея сўзида давом этди А.Камолова. Насиб бўлса, бир-икки йилда эҳтиёжимиздан ортиб қолган маҳсулотларни бозорга ҳам олиб чиқиш ниятимиз бор. Режаларимиз бисёр, уларни амалга ошириш учун эса маблағ керак. Агар чўнтагимизда пул бўлса, кўзланган режаларни бемалол амалга ошириш имконига эга бўламиз.

Мазкур болалар масканининг фаолият бошлаганига эндигина 5 йил бўлди. Беихтиёр ўйланиб қоласан киши: айрим жойларда йигирма, ўттиз йиллик боғчаларнинг танг аҳволда экани маълум. Улар маблағ йўқлигини рўкач қилишади. Излаган имкон топар экан-ку. Мудиранинг ишчанлиги, ғайратига ҳавасим келди. Болажон тарбиячилар ҳам меҳнатлари самарасини кўриб, яна изланишади, янгиликлар топишади. Ҳеч ким ишга шунчаки келиб кетмайди. Болалар ҳар куни боғча опаларидан ниманидир ўрганиб кетадилар.

Кўпчилик ота-оналар фарзандларини ушбу боғчага беришни хоҳлашади. Боғчада эса болаларнинг сони етарли. Ахир, қайси ота-она ўз фарзандини билимдон бўлиб ўсишини истамайди, дейсиз. Анора опа Камолова тарбиячи қизлари билан янги режалар тузади. Уларни кўпроқ изланишга даъват этади. Фаол ходимларини рағбатлантиради. Ёш тарбиячиларга эса маслаҳатлар беради.

— Ушбу йилимизни Оила йили деб эълон қилингани жуда соз бўлди-да, — дея сўзини давом эттирди мудира. — Қадриятларимиз, тарбиямизнинг негизи оилада. Ҳатто жажжи болакайларга ҳам уйдаги кайфият таъсир кўрсатади. Шунинг учун ота-оналардан болалари олдида ўзаро хушмуомалада бўлишларини илтимос қиламиз. Боғча боласи ҳамма нарсани жуда тез ўзлаштириб оладиган ёшда бўлади. Уларнинг ахлоқида яхши фазилатлар қанча кўп бўлса, юртимиз келажагига шунча кўп маданиятли кишиларни тарбиялаб берган бўламиз.

Кичкинтойлар масканидан қайтарканмиз, тарбиячи қизларга ҳам Анора опадаги ғайрат-шижоат юқа бошлагандай туюлади назаримда. Ҳа, раҳбаринг тадбиркор бўлса, хор бўлмайсан, деб бежиз айтишмаган чоғи.

Ҳамро Бону МУСУРМОНОВА

РАҲБАРИНГ ИШБИЛАРМОН БЎЛСА...

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Республика Халқ таълими вазирлигида Ўзбекистон - Очиқ Жамият Институти ҳамда Халқ таълими вазирлиги ўртасида ҳамкорлик шартномасини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Маросимни очар экан, халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев таълимда туб ўзгаришлар содир бўлаётган бугунги кунда турли жамиятлар, жамғармалар билан ҳамкорлик катта ижобий натижалар бериши шубҳасиз, дея таъкидлади.

- Чунки, - деб давом этди вазир, - ўқув жараёнларига янги технологиялар, янги услублар, ахборотлар жуда зарур. Вазир ўзаро ҳамкорлик дастури билан танишиб чиққанини, келажакда қўлни қўлга бериб уни амалга оширажакларини айтди.

Очиқ Жамият Институти директори Ален Делетроз шундай деди:

- Бизнинг институтимиз 1996 йилда Ўзбекистонда қайддан ўтган. Унинг асосий вазифаси олий ва ўрта таълим, ҳуқуқий ислоҳотлар, оммавий ахборот воситалари, санъат ва маданият соҳаларида фаолият кўрсатади. Ўрта таълим - институтимиз фаолиятининг асосий йўналишларидан бири. Биз бу соҳада аллақачон бир нечта семинарлар уюштирдик. Ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзолангач, ишларимиз кўлами янада кенгаяди деган умиддаман.

Шундан сўнг, республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ва Очиқ Жамият Институти директори Ален Делетроз ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолашди.

МУХБИРИМИЗ

ҚОРАБУЛОҚ БЎЙИДАГИ ЎЙЛАР

ёхуд китоблик муаллима Махфиратхон Тўраеванинг ибратли ишлари хусусида

«Китоб туманининг Қорабулоқ қишлоғида жойлашган Ҳ.Олимжон номидаги 37 - мактабда Махфиратхон Тураева деган олий тоифали экология фани муаллимаси бор. Одатий тасаввурларимиздагидан ҳам фидойироқ бу муаллима неча-неча йиллардан буён она қишлоғи Панжининг табиатини муҳофаза қилиш йўлида елиб-югуриб юрибди. «Яшил назоратчилар» гуруҳларини ташкил этиб, она табиатни қўриқлаяпти... Тиниб-тинчимас бу муаллима Тошкентта бир неча маротабалаб бориб-келиб, Қорабулоқ дарасидаги булоқлар сувларининг таркибини аниқлаб келди. Дарҳақиқат, бу булоқларнинг сувлари турли-туман фойдали маъданларга бой экан...»

Мен Китоб тумани халқ таълими бўлими услубиёт хонасининг мудири Ҳамроқул ака Очиловнинг суҳбатларини берилиб тингладим. «Бозор иқтисодиёти даврининг тақчилликлари» никоби остида анчагина бинойидек – бинойидек муаллимлар ҳам қоп орқалаганча бозорма-бозор савдогарчилик қилиб юришган айни кунларда қишлоқ муаллимаси Махфиратхон Тўраева олиб бораётган қатор ибратли ишлар дарвиш қалбимда қандайдир илиқ бир кайфият уйғотди. Ўжар юрагим амри билан ўша заҳотиёқ ҳамма ишларни бир томонга йиғиштириб қўйиб, Ҳамроқул аканинг узларини йўлбошловчи қилдим-у, Зарафшон тоғ тизмаларининг қоқ биқинида жойлашган Қорабулоққа жўнадим...

Китоб ростакамига жаннат макон юрт. Ярим ой шаклида ўралган тоғлар тизмаси тумангa ҳам салобат, ҳам кўрк бахш этиб турибди. Биз ташриф буюрган Каромат Рустамова номидаги жамоа ширкат хўжалигининг Қорабулоқ дарасида эса янада ўзгача табиат манзараси.

Тоғлар... Мағрур ва пурвиқор тоғлар. Булоқлар макони. Сон-саноқсиз хонадонлар аҳлини, қолаверса, мавжуд ҳайвонот оламини, паррандаю даррандаларни ичимлик суви ва яна неча-неча гектарлаб майдонлардаги дов-дарахтлару экин-текинларга обиҳаёт бахш этиб турган Қорабулоқ дарёси ҳам ана шу жойлардан бошланади.

Қорабулоқ булоқлар сардори. Унинг пойида ястаниб ётган каттагина яшил қишлоқ ҳам, қишлоқнинг қоқ белига камар бўлиб турган дарё ҳам, қолаверса, бутун бошли дара ҳам худди шу булоқ номига ҳамоҳанг Қорабулоқ деб номланади.

«Уста табиат» аслидаям, Қорабулоқ дарасини яратаётганда унинг муқаддас заминига «ғузаллик дориси»дан бир-икки чимдим зиёдроқ ташлаган. Мафтункор қоялару, серсалобат харсанглар, ям-яшил паст текисликлару «сайроқи тош булбуллар...» Менимча, ҳамма-ҳаммаси ўта устамонлик билан яратилгандай. Хуллас, Қорабулоқ дарасида сиз бетакрор ажиб бир табиат томошасини кўрасиз. Менга қолса, худди шу жойда дам олиш ва соғломлаштириш масканларини бунёд этмоқ керак.

Хўш, Қорабулоқ дарасидаги булоқларнинг сувлари ҳақиқатдан ҳам шифобахшми? Бу ҳақда илмий асарлар борми? Ҳа, ҳаммаси бор. Буларнинг барчаси фидойи қишлоқ муаллимаси Махфиратхон Тураеванинг саъи-ҳаракатлари билан тўлиқ аниқланган.

Қисқа ва сермаҳсул сафарим жараёнида ўша тиниб-тинчимас муаллима — Махфиратхон Тўраева билан ҳам учрашиб, атрофлича суҳбатлашдим. Қалби соддалик ва самимийлик туйғулари билан йўғрилган қишлоқ аёли камроқ гапириб, кўпроқ эшитишни хуш кўради. У катта оиланинг бекаси, 3 нафар ўғил, 2 нафар қизнинг севимли онаси. Туман, вилоят ва Республика педагогик ўқишларининг бир неча бор иштирокчиси, юртимиз Истиқлолга юз тутганидан буён вилоят ва Республика миқёсида ўтказилган «Табиат муҳофазаси» мавзусидаги кўрик-танловларда ғолиб деб топилган, 10 нафардан ошиқ иқтидорли ўқувчиларнинг севимли устози, эл севган муаллима, яшил табиатнинг ҳақиқий жонкуяри.

Яна у ўзбек мумтоз қушиқларининг камтарин бир ижрочиси, доривор гиёҳлар тўпловчи, сайроқи қушлар, гуллар шайдоси, бичувчи ва тикувчи муаллима.

Яна энг муҳими шуки, Махфиратхон Тураева мактаб ўқувчилари учун «Экологик тарбия» дарслигини чоп эттириш арафасида турган ва яна Китоб тумани «Қизил китоби»ни тузишга қўл урган ижодкор муаллима...

У она табиат масаласида маҳаллий газеталарда аччиқ-аччиқ ҳақиқатларни рўй-рост кўтариб чиқади. Ўз-ўзидан аёнки, бундай чиқишлар кимгадир хуш келса, яна қайсидир бир раҳбарга ёқмайди...

Ҳа, у бор куч-қуваватини, илму-зеҳнини, керак бўлса бутун қалб меҳрини она-табиатининг муҳофазаси йўлида сарф этаяпти. Унинг савоб меҳнатларини яхшилар улуғлайди. Унинг ишлари асрлар оша авлоддан—авлодга мерос бўлиб қолади.

Абдували ОБИДДИН

ОМАД ЯНА МАҲОРАТЛИ ХЕНМАНДА

(Боши 1-бетда)

Ушбу мусобақадан сўнг ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Маросимни «Президент кубоги» халқаро турнир ташкилотчиси Сассон Какшури очиб, турнирнинг нуфузи ошаётганлиги, юксак савияда ташкил этилаётганлигини таъкидлаб, барча қатнашчилар номидан Президент Ислом Каримовга самимий миннатдорчилик билдирди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бешинчи халқаро теннис турнири ёпилиш маросимида нутқ сўзлаб, ғолибларни қутлади. Мусобақада чиройли ўйинлар кўрсатиб, ишқибозларни хушнуд қилганлиги учун барча теннисчиларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

Ислом Каримов турнирнинг бош соврини — соф кумушдан ишланган, ўта нафис жилоланган кубокни Тим Хенманга топшириб, удумимизга кўра, ғолибга ва финал ўйин иштирокчисига зарбоф тун ва дўппи кийдирди.

«Президент кубоги» халқаро турнири ниҳоясига етди. Ислом Каримов мусобақани ёпиқ, деб эълон қилди. Давлатимиз мадҳияси янграб, турнир байроғи туширилди.

Маросимда Олий Мажлис раиси Эркин Халилов, Бош вазир Уткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур турнирни ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ва Бош вазирнинг ўринбосарлари иштирок этишди.

МУХБИРИМИЗ.

ЮРТИМИЗНИ СЎРОҚЛАР ДУНЁ

Шу бугун қўлимга қалам олиб, чуқур ўйга толишим баробарида хаёлимга келган жумла шу бўлди: «Аввало яратганим ўзингга шукур. Мен туғилган ва яшаётган юртни, менинг бағри кенг, адолатпеша халқимни бугунга келиб, қалайсан биродар, дегандек бутун дунё суроқламоқда. Менинг тилим жаҳонни кезмоқда. Курраи заминнинг энг номдор, улуғ, шижоатли чемпионлари футбол, бокс, кураш, шахмат, теннис баҳона Тошкентни, Самарқандни, Бухорою Фарғонани топиб келмоқда. Олимпиада ўйинларида, жаҳон чемпионатларида уддабурон спортчиларимиз мадҳиямиз садоларига қўшилиб мағрур ҳилпираётган байроғимиз остида илк бора, етти букилиб, вужудлари, шуурлари қувончларидан ёмғирдек тўкилиб дунёга салом бермоқда... ...Ассалом, эй дунё, мен бир ўзбекман, ...Эл бўлдим, сел бўлдим, гул бўлдим, Елкамга истиқлол шуъласи тушиб, Зурни йўқлаб борар ойдин йўл бўлдим...»

Қаранг-а, ҳақиқатдан ҳар бир юмушни эплайдиган, ҳамманинг кўнглига йўл топа оладиган, энг орзуманд, энг сахий ва мурувватли халқ эканлигимиз қисқа йиллар саҳнасида юртимиз билан дунёни туташтириб ташлади. Кеча бизга йўл беришни истамайдиганлар бугунга келиб тан бермоқда. Кеча бизни эзиб ташламоқчи бўлганлар бугунга келиб эъзозлашга тушди. Бу нима? Бу халқнинг қудрати, сабр-бардоши, адолатпешаликнинг, саховатнинг буюк неъмати. Бу ўзлик деб аталур, бу ўзбек деб аталур. Бундан атиги бир неча йил олдин машҳур Пит Сампрасни билмасдик, Пет Рафтерни бор-йўғи телевизорда кўриб, Евгений Кафельников, Тим Хенман, Марк Россе, Алекс Корреджа, Андре Агасси ҳақида фақат газеталардан ўқирдик. Яна бир бор шукрки, ҳозирда уларнинг ўзи юртимизга синашмоқ учун келмоқда. Теннис бўйича Президент кубоги халқаро мусобақаси 70 йиллик асоратимизни беш йил ичида ювиб кетди.

Сир эмас, бундан 7-8 йил муқадам теннис ҳақида гап кетса ўнтамиздан тўққизтамиз таажжуб билан елка қисардик. Собиқ шўро амалпарастлари бутун дунёда севиб ўйналадиган ва шижоатга қараб ном чиқариш, бойлик тўплаш мумкин бўлган ушбу мафтункор ўйин лаззатидан бутунлай маҳрум қилган эди. Мени ваҳима қилаяпти деманг. Ҳақиқатни гапираяпман. Америкаликларнинг юздан 75 нафари теннис билан шуғулланишни канда қилмайди десам ишонасизми?! Инглизлар ниҳоятда шиддатли теннис мусобақаларини кўриб, кун бўйи муҳташам кортларда ҳордиқ чиқаради деб айтсам «олифтагарчилик қилмоқда» демайсизми?! Ёки Евгений Кафельниковнинг Президент Кубоги V-халқаро мусобақага шахсий самолётида учиб келганлигини айтсам, бўлмаган гап, демайсизми?! Тим Хенманнинг ярим йил мобайнида бир миллионга яқин АҚШ долларини қўлга киритганлигини эслатсам инкор этмассиз?! Узимизнинг Олег Огородов Президент кубоги мусобақасида бир учрашуви туфайли 4700 АҚШ долларига эгалик қилганлигидан хабардормисиз, ўзи?!

Аслида теннисни киборлар ўйини дейишади.

Бунда ҳақиқатдан ҳам жон бор. Негаки, у одамзоддан етук маънавиятни, энг эзгу ҳис-туйғуларни, олий даражадаги маданият ва катта миқдордаги маблағни талаб этади. Лекин истаган ҳамма машҳур зўр теннисчи бўлавермайди. Хоҳлаган мамлакат дунёнинг донгдор теннисчиларини чақириб, нуфузли мусобақаларни ташкил этавермайди. Бунинг учун ҳам журъат, ҳам шижоат зарур.

Ичимдаги қувончни айтсам, туғриси, Президент кубоги халқаро мусобақасининг ғолибларини тақдирлаш пайтида юртимиз раҳбари, жаноб Каримовнинг Евгений Кафельниковни хурсандчилигидан маҳкам қучоқлаб ўпиб олганини кўриб бутун вужудим жимирлаб кетди. Тим Хенман билан елкама-елка туташиб сурётга тушаётганда ўзбекнинг ҳақиқий одил ва мард халқ эканлигини эҳтирос ила ҳис қилдим. Дунёнинг энг сара теннисчилари давлат мадҳиямизнинг кўнгилга оламолам садоқат ва эзгулик бахш этадиган оҳанги остида байроғимизга қараб шу юртнинг борлигини чин дилдан эътироф этаётганлигидан воқиф бўлиб, кўзларимга жиққа ёш келди. Борлиғимизнинг нурга тўлаётганлиги эди бу. Бу ўзбекнинг заминни ларзага солаётгани эди.

Табиб-табиб эмас, бошидан ўтказган табиб, деганларидек, елкамизга офтоб тушгач, одиллик ва адолат, ғолиблик ва садоқат, меҳр ила муҳаббат номининг нақадар лаззатли эканлигини сездик. Шунингдек, бу борадаги масъулиятнинг ҳам жуда-жуда улкан эканлигини ҳис қила бошладик.

Маънавиятимиз, маданиятимиз қаторида табиатимиздаги ўзимиз сезмаган ботиний имкониятларимиздан ўзимиз фойдаланишга одатланмоқдамиз. Охир оқибатда ягона миллий, улуғ миллат эканлигимиз тобора бўй чўзмоқда. Истибдоддан қутулишимиз билан Ватанимиздан юзлаб Осиё ва жаҳон чемпионлари чиқди. Узбеклигимиздан ҳар қанча ғурурланса арзийди. Олмос Юсупов, Рустам Қосимжонов, Лена Черязоваларнинг шуҳрати бугун Евгений Кафельниковникидан қолишмайди. Ирода Тулаганованинг чаққонлиги, маҳорати, гўзаллиги эрта-индин Мартина Хингисникидан ҳам ошиб тушишига ишонамиз...

Биринчи Президент кубоги мусобақаси баробарида «Узбекистон» деган ном дунёнинг бешдан бир қисмидаги хонадонларга етти кун мобайнида узлуксиз кириб турди. Жами 206 журналист тўғридан-тўғри Юнусободдан туриб оламга фикр, ахборот тарқатди. Тараққий этган 16 мамлакатдан келган тенги йўқ ракетка усталари ғолиблик учун ўзаро баҳс бойлашди. Шу кунларнинг пешонамизда бор эканлигидан фахрланаман-да, шу кунларга етказганидан роҳатланаман-да...

Сиз ҳам мушоҳада қилиб кўргансиз, биламан. Вақти келганда ҳаммадан кўра кўпроқ лаззатлангансиз ҳам. Аслида барчамизнинг мақсадимиз битта-юртнинг файзидан баҳра олиш, унинг бундан ҳам улканроқ камолини кўриш. Қисқаси, вақт ҳамма нарсани изга солади. Шу замон ҳар бир дақиқа бизнинг фойдамизга бонг ураётганлиги ҳам рост...

***

Саволлар ва жавоблар (1998 йил 20 сентябрь Юнусобод.)

Тим Хенман. Президент кубоги ғолиби.

Савол:

— Финалда Кафельниковни ютишингизни билармидингиз?

Жавоб:

— Ўйлагандим холос. Аммо яна ғолиб бўлишимга ишонмагандим. Кафельников билан шу кунга қадар етти бор учрашганман. Беш бор у, икки бор мен ютгандим.

Савол:

— Тошкентга келаётганингизда оилангиздагиларга нима деган эдингиз?

Жавоб:

Эсимда йўқ. Аммо оиламдагилар Президент кубогида иккинчи бор ғолиб чиқишимни муқаррар эканлигини айтишган эди.

Савол:

Ўзбекистон Президентидан икки йилда иккита қиймматбаҳо, миллий тўн олдингиз. Уларни Англияда ҳам кийиб юрасизми?

Жавоб:

Ўтган йилдагисини Лондондаги катта музейга топширмоқчи эдим. Аммо унинг ғўзаллиги кўпчиликни ром этиб, мақсадимга эришолмадим. Бунисини албатта, топшираман.

Савол:

— Президент кубоги мусобақасига яна келасизми?

Жавоб:

Албатта, келаман. Тўғриси, Тошкент мусобақаси менга кўпроқ омад келтирмоқда .

Савол:

Ўз уйингизда рўзғор ва тирикчиликда фойдаланадиган қандай қиймматбаҳо нарсаларингиз бор?

Жавоб:

Уйимиз 6 та кенг ва ёруғ хона ҳамда ҳовлидан иборат. 3 хил машинам бор. Хизматкоримиз истаган таомни ширин қилиб тайёрлаб беради.

Савол:

Сиз ютган 66 минг 400 АҚШ долларига Англияда нималар беради?

Жавоб:

— Бир тўйнинг харажатларини қоплайди (Тим Хенман —1974 йил 6 сентябрда Англиянинг Лондон шаҳрида туғилган. Бобоси машҳур теннисчи бўлган. Ўзи 3 ёшидан буён кортда машқ қилади. Англиянинг 1-рақамли теннисчиси).

Евгений Кафельников. Президент кубоги финалчиси

Савол:

Нимагадир Президент кубоги мусобақасида икки йилдан буён омадингиз чопмаяпти?

Жавоб:

Айб ўзимда. Финалда кўп хато қилдим. Хенманнинг тўп оширишини мукаммал ўрганмагандим. Асабийлашдим. Ўтган йилда ярим финал баҳсида Марк Россега ютқазган эдим. У билан ўйиним сира келишмайди.

Савол:

— Мана шу икки мағлубиятингиз Тошкентга учинчи бор келишингизга қаршилик қилмайдими?

Жавоб:

— Аксинча. Тошкент кортида худди Сочида ўйнаётгандек ўзимни эркин сезаман.

Савол:

— Тошкентда ишқибозларингиз кўп деб ўйлайсизми?

Жавоб:

— Худди шундай. Бугун ҳам жамики мухлислар менга тарафкашлик қилиб турди. Ҳаттоки, Президент Каримов ҳам мен томонда бўлганлигини яшириб ўтирмади. Ҳаммасига раҳмат.

Савол:

— Президент Каримов тақдирлаш пайтида сизга яқин келиб нималар деди?

Жавоб:

—Кўнглимни кўтарди.Табриклади. Шунинг ўзи мен учун катта гап.

Савол:

—Теннисдан бошқа яна қанақа спорт турларини ёқтирасиз?

Жавоб:

—Футбол ўйнайман, «Спартак»ни яхши кўраман.

Савол:

— Фақат тўғрисини айтинг, бизнинг кортларимизда ўзингизга қандай баҳо қўясиз?



Жавоб:

—Бундай ғўзал кортлар собиқ СССР таркибидаги Республикаларда фақат Россия ва Узбекистонда бор, холос. Баҳоси аъло.

(Евгений Кафельников - 1974 йил 18 февралда Сочида туғилган. Отаси волейбол, онаси баскетбол бўйича мураббий бўлиб ишлайди. Ўзи 6 ёшидан буён теннис билан шуғулланади. Россиянинг 1-рақамли теннисчиси. Жаҳонда 11-ўринда бормоқда).

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Шу кунга қадар 5 бор ўтказилган Президент кубоги халқаро мусобақасининг ҳал қилувчи босқичида дунёдаги энг машҳур теннисчилардан 160 нафари ўзаро баҳс олиб борган. Ғолиблар икки миллионга (2000000) яқин АҚШ долларига эга бўлишган. Энг кўп фойда олган теннисчи англиялик Тим Хенмандир. У Президент Кубоги баҳсида икки бор ғолиб чиқиб, жами 118 400 доллар мукофот олган.

ЖАҲОН ТАСНИФИДАГИ (РЕЙТИНГ) ЎЗГАРИШЛАР

Президент кубоги халқаро мусобақасининг «АТР—Tour» туркумига кирганига икки йил тўлди. 1998 йилдан бошлаб ғолиб теннисчининг тасниф кўрсатгичига Тошкент мусобақаси учун 170 очко, иккинчи ўринни олганга 123 очко қўшиб бериладиган бўлди. Бу янгилик қатнашчилар сонини янада оширди.

ТОШКЕНТДАН — ЖАҲОНГА

Яна бир неча кундан сўнг Гановер шаҳрида дунёнинг энг кучли саккиз теннисчиси ўртасида «АТР — Tour» туркумининг жаҳон чемпионати ўтказилади. Унда Президент кубогининг соҳиби Тим Ҳенман билан финал ўйини иштирокчиси Евгений Кафельников ҳам иштирок этиш имкониятига эга. Негаки, ушбу теннисчиларнинг таснифи бир неча поғона кўтарилди.

ЭНГ КУЧЛИ САККИЗЛИК

(1998 йил,14 сентябргача)

1.Пэт Рафтер 3260 очко Австралия

2.Морсело Райос 3170 очко Чили

3.Пит Сампрас 2881 очко АҚШ

4.Карлос Мойа 2707 очко Испания

5.Андре Агасси 2527 очко АҚШ

6.Алекс Корреджа 2479 очко Испания

7.Карл Кусера 2288 очко Словакия

8.Петр Корда 2070 очко

+ Тим Хенман 1883 очко Англия

+ Евгений Кафельников 1602 очко Россия

+Седрик Пиолен 1577 очко Франция

Нормурод МУСОМОВ

БОҒЧАЛАРДА СИНАБ ҚЎРИЛАДИ

Республика ХТВ узлуксиз таълимни замон талаби даражасида ташкил этиш, ислоҳ қилиш, етук мутахассислар тайёрлаш борасидаги тадбирларни режали ва илмий асосланган тарзда йўлга қўйиш мақсадида болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш дастурлари бўйича тажриба-синов майдончаларининг тақдимномаси бошланди.

Жорий йилнинг 3-5 сентябрь кунлари мактабгача таълим ходимлари малакасини ошириш республика курсида республика миқёсида семинар ўтказилди. Семинарда тажриба олиб боришнинг мақсад ва вазифалари тушунтирилди. Таянч дастур юзасидан машғулотлар ишланмаси, методик тавсиянома берилди.

Семинарда ВХТБларининг мутахассислари, ВЎМОИ мактабгача таълим бўлимлари бошлиқлари ва тажриба-синов ўтказиладиган мактабгача таълим муассасаларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш дастури республика «Йил тарбиячиси» кўрик-танлови ғолиблари боғчасида бир йил давомида тажриба-синовдан ўтказилади. Уларга методик қўлланма, машғулотлар ишланмаси берилади.

Тақдимномада Узбекистон ХТВ мактабгача таълим бошқармаси бошлиги Ҳамида Аҳмедова, вилоят ва туман ҳокимлари, вилоят ҳалқ таълими бошқармалари бошлиқлари иштирок этмоқдалар.

Мазкур тадбирни намунали ўтказишда, жумладан, ўқув қуроллари, кўргазмали қуроллар билан таъминлаш, муассасани капитал таъмирлаш ишларида вилоят ва туман ҳокимиятлари яқиндан ёрдам бераётир.

Айни кунларда Фарғона, Наманган, Хоразм, Бухоро, Самарқанд вилоятларида дастур тақдимномаси бўлиб ўтаётир.

Д.ХЎЖАЕВА

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

Ўзбекнинг энгаги кетмон билан кўтарилган. Ҳув, ўша Даққиюнус замонидан буён унинг тиллашгани - ер, сирлашгани - тупроқ. Дардинида, заҳматини-да шу заминга тўккан. Алоҳа, бир уйғунлик пайдо бўлганки, ўзбек - ер, ер - ўзбек.

Навоий бобо бир байтларида:

Биз фано туфроғи бўлдуқ, дайр аро эй аҳли зуҳд,

Хонақоҳ саҳнида сиз баҳси тақаддум айлангиз, —

деб, ҳокисорликни тупроққа менгзайди. Балки, ўзбекнинг мўмин-хокисорлиги ҳам шундан. Бурду бохтию бахту фожиаси-да шу тупроқ билан боғлиқ.

Истеъдодли ёзувчи Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романи асосида яратилган мазкур номдаги фильмни (режиссёр - Шуҳрат Аббосов) кўрар эканман, хаёлимдан шу таҳлит тафсилотлар кечди.

Фильм мазмун-моҳияти бир чизиқ теварагида жипслашган: ўзбек-ер-бахт-фожиа. Воқеалар ривожи худди шу тагзаминда кечади. Бири иккинчисининг тадрижий давоми ҳисобланган тўртта мустақил новелладан иборат мазкур фильм яқин ўтмишимизни - Россия империясининг Марказий Осиёни истило қилишидан то истиқлол арафасигача бўлган тарихимизни кўз олдимизда гавдалантиради.

XIX аср адоғидаги воқеалар Жамолиддин кетмон тимсолида тажассум топган. У - асл деҳқон. Ернинг тилини билади. Жамолиддин учун ер муқаддас. У ҳамма нарсага чидаши мумкин. Бироқ ерининг, даласининг топталишига у асло чидаб туролмайди. Ўрис қазаклари оёғи остида топталган даласидан бош олиб кетади. Сўнгра эса уларга қарши айтган гапи учун тиғи парронга учрайди.

Ақраб қўрбоши ҳаёти орқали 20-30 йиллар ҳаёти очиб берилади. Дарвоқе, Ақраб ҳам асли деҳқон. Худди ота-боболиги ҳам шундан. Бурду бохтию бахту фожиаси-да шу тупроқ билан боғлиқ.

Истеъдодли ёзувчи Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романи асосида яратилган мазкур номдаги фильмни (режиссёр - Шуҳрат Аббосов) кўрар эканман, хаёлимдан шу таҳлит тафсилотлар кечди.

Фильм мазмун-моҳияти бир чизиқ теварагида жипслашган: ўзбек-ер-бахт-фожиа. Воқеалар ривожи худди шу тагзаминда кечади. Бири иккинчисининг тадрижий давоми ҳисобланган тўртта мустақил новелладан иборат мазкур фильм яқин ўтмишимизни - Россия империясининг Марказий Осиёни истило қилишидан то истиқлол арафасигача бўлган тарихимизни кўз олдимизда гавдалантиради.

Деҳқонқул тимсолида умумлаштирилган.

Деҳқонқул учун даласидан азиз нарса йўқ. Тинмай меҳнат қилади. Уй-ичини ҳам аямайди. Таассуфки, бу тинимсиз меҳнати эвазига туҳматга учраб, қамоқ азобини тортади. Фильмда «Узбеклар иши» деб ном берилган, туҳматлар остида ноҳақ қамалиб кетган минглаб иймони пок, ҳалол инсонлар чеккан азоб-уқубатлар руйи-рост кўрсатилган.

Даласидан, пахтасидан бошқа нарсани билмаган Деҳқонқулларидек ерга меҳри баланд. Туну кун даласидан бери келмайди. Кетмони билан ризқини кавлайди. Бироқ, Шуро келади-ю унинг тинчгина ҳаётини бузади. Еридан, ризқ-насибасидан маҳрум қилади. Охир-оқибат Ақраб-деҳқон Ақраб-қўрбошига айланади.

Фильмнинг учинчи новелласида Деҳқонбой ҳаёти акс эттирилади. Унинг кўнгил кўзи очиқ. Фикри-теран. Энг асосийси, томирида ҳақпараст боболарининг қони оқади. Алалоқибат, ҳақгўйлик суяк суради. Деҳқонбой ҳақиқатни айтади. Ва у ҳам минг-мингларнинг ёстиғини қуритган қатағон қурбони бўлади. Баландпарвоз шиорлар («Оқ олтин»ни олтин қўллар яратади» каби) шовқини остида бир умр даласида ғимирлаган, бироқ косаси оқармаган ўзбек деҳқони Деҳқонқулнинг кўзи очилади, аммо жуда кеч очилади. Орада хотини Қумри, онаси Болхин момо, қизи Ойсулув, ўғли Нодиржонларни қурбон беради.

Фильмда ҳар бир парча, ҳар бир кўриниш тикка кўнглингизга қадалади. Сизни бефарқ қолдирмайди... Фильм интиҳосидан сўнг, бир нарса ҳақида ўйлаб қолдим. Баъзилар мустақилликка қурбонсиз, жангу жадалсиз эришдик дейишади. Жамолиддинлару Ақраблар, Деҳқонбою Деҳқонқуллар кўнглида истиқлол пармон бўлиб кетмадими?! Яна бир умр ерга ерлашиб ўтганлар қанча. Ушбу фильм наздимизда «Узбекнома» гўё. Бизни ҳамиша огоҳ этиб турғувчи. Истиқлол қадрини англатиб турғувчи.

Асқар ШОКИР

«ЎЗБЕК АРУЗИ ЛУҒАТИ»

Филология фанлари доктори, профессор А.Ҳожиаҳмедов арузшунослик илмини ривожлантиришда астойдил хизмат қилиб келаётган заҳматкаш олимларимиздан. Унинг ўзбек арузи назарияси ва мактабда аруз вазнини ўргатиш муаммолари бўйича ёзган илмий рисола, ўқув қўлланмалари тил-адабиёт муаллимларига яхши таниш. Шахсий тажрибамиздан маълумки, ўрта мактаблар она тили ва адабиёти ўқитувчиларининг малака ошириш курслари тингловчилари учун энг қизиқарли мавзулардан бири мактабда аруз вазнини ўргатиш муаммоларидир. Бу мавзудаги маърузаларни тайёрлаш ва ўқишда барчага А.Ҳожиаҳмедовнинг аруз назарияси ва уни ўқитиш методикасига оид асарлари қўл келмоқда.

Яқинда олимнинг «Узбек арузи лугати» нашрдан чиқди. «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида чоп этилган мазкур китоб ҳам барча аруз вазни ихлосмандлари, энг аввало, минглаб тил-адабиёт ўқитувчиларига мўлжалланган. Луғатнинг нашр адади фақат 7000 та, холос. Мамлакатимизда эса тил-адабиёт муаллимлари, тахминимизча, 24—25 минг нафарни ташкил этишини ҳисобга олсак, китоб эҳтиёжидан оз нусхада чоп этилгани маълум бўлади. Аслида эса бу луғат ўқитувчилар учун ниҳоятда зарурдир.

Луғатда аруз назарияси, тарихи ва ўқитиш методикасига оид 300 дан зиёд мақолалар мавжуд. Улар луғатчилик қоидаларига биноан алифбо тартибида жойлаштирилган. Масалан: «Ахраб. «Мафоийлун» аслининг «харб» («вайрон қилиш») зиҳофи билан ўзгартирилиши натижасида юзага келган «мафъулу» (чизмаси: - у) тармоқ рукнининг номи бўлиб, «вайрон қилинган» деган маънони ифодалайди».

Шундан сўнг келган «Ахраб шажараси» мақоласи эса 3 саҳифадан иборат. Шу тарика ўзбек арузини ўрганувчилар билиши зарур бўлган атамалар — рукнлар, зиҳофалар, шажара ва доиралар —барча-барчаси керакли ҳажмда ўз изоҳини топган.

Луғатдаги мақоланинг аксарияти мумтоз ва ҳозирги ўзбек шеъриятидаги намуналаридан олинган мисоллар воситасида кенг изоҳланган. Бу мисоллар минг йиллик ўзбек арузий шеъриятида қўлланилган деярли барча вазнларга намуна бўла олади. Ушбу ҳол, шубҳасиз, асарнинг аҳамиятини оширган. Китобнинг ижобий жиҳатларидан бири шуки асарда аввалдан таниш байт ёки тўртликлар маълум бир вазнга мисол тариқасида кўплаб келтирилган. Бу эса китобхоннинг ушбу шеърни шакл жиҳатидан ҳам тўғри англашига омил бўлади, деб ўйлаймиз.

Хуллас, «Узбек арузи лугати»нинг китобхонга аруз илми бустонининг муаттар гулларидан баҳраманд бўлиши шубҳасиз. Арузнинг оддий қоидаларидан бехабар ҳолда мумтоз шоирларимизнинг гўзал ғазалларига бармоқда қотириб «мужаммас» битаётган айрим «қаламкашлар» учун ҳам мазкур китобни ўқиш фойдадан холи бўлмайди. Агар бундай «аҳли қаламлар» ушбу асар орқали аруз вазнида шеър ёзишни оз-моз эгалласалар, бундан кейин яхши тахмислар яратиб, «аҳли маоний қошида» (Навоий)ги шармандаликдан қутулишлари муқаррардир.

Ушбу китоб мутолаасидан сўнг менда баъзи бир мулоҳазалар ҳам туғилди. Жумладан, муаллиф Бобурнинг аруз ҳақидаги машҳур асарини барча ўринларда «Мухтасар» деб юритган. Тўғри, бу асар бизда 1997 йилда шу ном билан чоп этилди. Лекин бу ном асар ҳажмига ва мазмунан салмоғига мос келмагани учун адабиётшуносларимиз уни «Аруз рисоласи», деб атаб келмоқдалар. Бизнингча, «Узбек арузи лугати»да ҳам Бобур асари худди шундай номланганда, ёмон бўлмасди.

Рустамжон ТОЖИБОЕВ,
филология фанлари номзоди

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ !

А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ 1998 йилнинг октябрь ойи учун қуйидаги курсларни режалаштирди

1. Урта мактаб директорлари (Наманганда) —ўзбек гуруҳи 5-31 октябрь
2. Урта мактабларнинг маънавият бўйича директор ўринбосарлари учун курс ўзбек гуруҳи 19-31 октябрь
3. Мактаб психологлари учун курс (Тошкент вилоятида) ўзбек гуруҳи 5-17 октябрь
4. ЧЁТ раҳбарлари. ўзбек гуруҳи 19-31 октябрь
5. Янги турдаги мактабларнинг физика ўқитувчилари курси ўзбек гуруҳи 19-31 октябрь
6. Математика фанини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш— ўзбек гуруҳи 19-31 октябрь
7. Янги тур мактабларининг биология фани методбирлашма раҳбарлари курси—ўзбек гуруҳи 5-31 октябрь
8. Кимё фанидан ўқувчилар билимларини баҳолашда тест-рейтинг усулини қўллаш— ўзбек гуруҳи 19-31 октябрь
9. Умумтаълим мактабларининг инглиз тили ўқитувчилари курси — ўзбек гуруҳи 19-31 октябрь
10. Янги турдаги мактабларнинг расм-чизмачилик ўқитувчилари курси — ўзбек гуруҳи 19-31 октябрь
11. Кўзи ожиз ва заиф кўрувчилар мактаблари бошланғич синф ўқитувчилари —ўзбек гуруҳи 5-31 октябрь
12. Янги турдаги мактабларнинг жисмоний тарбия ўқитувчилари методбирлашма раҳбарлари— ўзбек гуруҳи 5-31 октябрь

Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона, бепул ётоқхона ва 100 ўринли санаторий-профилакторий хизматда бўлади. Санаторий-профилакторийда 24 кунлик курс тингловчилари 2-3 октябрь кунлари курорт карталари билан қабул қилинадилар. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиш ҳақи фақат темир йўл ва автобус билетлари учун тўланади.

***

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 156-сонли буйруғи асосида ўтказилаётган курслар:

1. ХТХМОМИ, Тошкент ШУМОИ, ВПХМОИ кафедра ва кабинетларининг фанлар бўйича мутахассислари, ДПИларнинг фанларни ўқитиш методикаси кафедралари мудирлари ва мутахассисларидан (ҳар бир ДПИлардан 2 тадан) 1-9 синфлар фанларидаги дастурий узгаришлар юзасидан маърузачилар тайёрлаш 3 кунлик мақсадли курс— 2-4 октябрь, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили, чет тиллар
2. ХТХМОМИ, Тошкент ШУМОИ, ВПХМОИ кафедра ва кабинетларининг фанлар бўйича мутахассислари, ДПИларнинг фанларни ўқитиш методикаси кафедралари мудирлари ва мутахассисларидан (ҳар бир ДПИлардан 2 тадан) 1-9 синфлар фанларидаги дастурий узгаришлар юзасидан маърузачилар тайёрлаш 3 кунлик мақсадли курс— 5-7 октябрь, тарих,давлат ва ҳуқуқ асослари, иқтисодий билим асослари
3. ХТХМОМИ, Тошкент ШУМОИ, ВПХМОИ кафедра ва кабинетларининг фанлар бўйича мутахассислари, ДПИларнинг фанларни ўқитиш методикаси кафедралари мудирлари ва мутахассисларидан (ҳар бир ДПИлардан 2 тадан) 1-9 синфлар фанларидаги дастурий узгаришлар юзасидан маърузачилар тайёрлаш 3 кунлик мақсадли курс— 8-10 октябрь, информатика, математика, физика ва астрономия
4. ХТХМОМИ, Тошкент ШУМОИ, ВПХМОИ кафедра ва кабинетларининг фанлар бўйича мутахассислари, ДПИларнинг фанларни ўқитиш методикаси кафедралари мудирлари ва мутахассисларидан (ҳар бир ДПИлардан 2 тадан) 1-9 синфлар фанларидаги дастурий узгаришлар юзасидан маърузачилар тайёрлаш 3 кунлик мақсадли курс—— 12-14 октябрь, кимё, биология, география.
5. ХТХМОМИ, Тошкент ШУМОИ, ВПХМОИ кафедра ва кабинетларининг фанлар бўйича мутахассислари, ДПИларнинг фанларни ўқитиш методикаси кафедралари мудирлари ва мутахассисларидан (ҳар бир ДПИлардан 2 тадан) 1-9 синфлар фанларидаги дастурий узгаришлар юзасидан маърузачилар тайёрлаш 3 кунлик мақсадли курс — 15-17 октябрь, одобнома, меҳнат таълими

Изоҳ: Курсларга ҳар бир вилоятдан икки нафардан маърузачилар таклиф қилинади.

Манзилимиз: Тошкент -95, Талабалар шаҳарчаси. Саидов кўчаси 6-уй.
Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг Талабалар шаҳарчаси (охирги) бекатигача.

«Устозлар ҳақида энг яхши қўшиқ» кўрик-танловига

ЎҚИТУВЧИМ, УСТОЗИМ

Т. ТУРСУНОВ шеъри,
Ж.ОТАЖОНОВ мусиқаси

Ўқитувчим, азиз устозим,
Сизга доим қилурмиз таъзим.
Дарс бердингиз дилдан қувониб,
Тинглагаймиз меҳрга қониб.
Нақорат
Бахтимизга яшанг, бор бўлинг,
Бизни кўриб қувончга тўлинг.

Илм йўлин бизга очдингиз,
Қалбимизга зиё сочдингиз.
Ўқиб билдик илмлар тилин,
Ҳисоби йўқ жумбоқлар сирин.

Нақорат

Катталарга ҳурмат доимо,
Сиз туфайли қалбимизда жо.
Сизга қанча раҳмат десак оз,
Сиз ҳамиша меҳрибон устоз.
Бошимизга қўнган бу ҳумо,
Минг тасанно сизга доимо.



МУАЛЛИМ

Иброҳим ЖИЯНОВ шеъри,
Ҳурриятт ИСРОИЛОВА мусиқаси

Биринчи бор алифбони ўргатиб,
Бошладингиз илму фан бўстонига.
Ўзингиздан меҳри-зиё таратиб,
Ошно қилдингиз ҳаёт достонига.
Сўзингиздан дунё сирларин билдим,
Кўзингиздан кўнгил сирларин билдим,
Сиз ўзингиз доно, оқилу олим,
Сизга доим қилгум таъзим муаллим.
Меҳри дарё-дарё муаллим,
Қалби чексиз дунё муаллим.
Ҳар сўзингиз тилло экан, билсам,
Қуёшдай нурли-зиё муаллим.

Тоза туйғуларнинг қасридир мактаб,
Беғубор орзулар дилда бор эди.
Билим бердингиз гоҳ тергаб, гоҳ мақтаб,
Хотирлаб яшармиз барини энди.
Дилингиз гулга ўхшатар бўлдим,
Йўлингизни нурга ўхшатар бўлдим.
Сиз ўзингиз доно, оқилу олим,
Сизга доим қилгум таъзим муаллим.
Меҳри дарё-дарё муаллим,
Қалби чексиз дунё муаллим.
Ҳар сўзингиз тилло экан билсам,
Қуёшдай нурли-зиё муаллим.



Содиқ ака Ҳасанов номини Тошкентдаги кўпгина мусиқа мактабларида ҳурмат билан тилга олишади. Чунки у машаққатли меҳнатлари эвазига ўзи ишлаган жамоа меҳрини қозонган инсонлардандир.

—Ҳамкасбим Содиқжон Ҳасанов тиниб-тинчимас, тутган ерини кесадиганлар тоифасидан, - дея сўз бошлайди Й.Охунбобоев номидаги қўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатининг най сози ижрочилиги бўйича ўқитувчиси Музаффар ака Мирмаҳмудов. — У бир ишни бошласа охиргача етказади. Ўттиз беш йиллик меҳнат фаолиятим мобайнида жуда кўп кишилар билан суҳбатдош бўлдим, бирга ишладим. Аммо Содиқжондек серфазилат одамлар, тўғриси, анча ноёб. У ўқув

МУСИҚАДАН КУЧ ОЛГАН УСТОЗ

даргоҳимиздаги энг обрўли ўқитувчилардан. Ундаги хусусиятлардан яна бири ўқувчи-ёшларнинг билим эгаллашлари учун бутун куч-ғайратини сарфлашидадир. Токи, улар устозлари берган сабоқни ўзидан кейинги авлодларга янада мукаммал даражада етказа олсинлар.

Содиқжон эзгу ниятлар билан 1967 йили Тошкент шаҳридаги Ҳамза номли мусиқа билим юртининг мусиқа назарияси бўлимига ўқишга кирди. Афсуски, уч йиллик таҳсилдан сўнг у кўриш қобилиятининг кескин пасайиб кетиши натижасида шу билим масканининг баян ва аккордеон бўлимига ўтиб ўқишга мажбур бўлди. Билим юртини муваффақиятли тугаллагач эса Брайль алифбосини мустақил равишда ўрганишга киришди. 1975 йилдан ўз билимини янада мустаҳкамлаш мақсадида Тошкент Давлат маданият институтида сиртдан таҳсил ола бошлади. Содиқжон Ҳасановдаги ирода шу қадар кучли эдики, бунга уни ўқитган устозларию тенгдош дўстлари ҳам тан берарди. Ёшлигида кўзи соғлом болалар билан бирга ўқиган Содиқ ака Брайль алифбосини ўрганиши билангина чекланиб қолмади. У брайлча мусиқа нотасини ҳам қунт билан эгаллаб олди. Бу инсон қайси даргоҳда ишламасин, доимо ёш йигит-қизларга баян ва аккордеон чолғу асбоблари сир-асрорларини ўргатди. Мана олти йилдирки, кўзи ожиз болаларнинг Й.Охунбобоев номли махсус мактаб-интернатида мусиқа илмидан дарс беради. Бугунги кунда у билим масканида Брайль нотасини билувчи икки педагогнинг бири ҳисобланади.

Содиқ аканинг хизматлари катта. С.Ҳасанов тадбиркор ва жонкуярлиги боис, 1996 йилдан шу масканнинг ЎзКОЖ бошланғич ташкилотига раис этиб сайланган. Бу борада ҳам у талайгина ибратли ишларни амалга оширди. Бу ўринда республика «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг хизматлари беқиёс бўлмоқда. Улар ана шундай хайрли ишларни амалга оширишда кўмаклашиш билан чекланиб қолмасдан, утган йили ташкилот ҳисоб рақамига 150 минг сўм пул маблағи кўчирди. Бу ташкилотда пойтахтимиздаги Ҳамза туман ҳокимлиги билан ҳам яхши алоқа ўрнатилган. Улар ногиронлар кунида билим даргоҳида тарбияланаётган барча йигит-қизларга эркаклар кўйлаги ва рўмоллар совға қилишди. Бундан ташқари, шу туман халқ таълими бўлими ҳам 50 минг сўмлик доира, рубоб каби халқ чолғу асбобларини сотиб олиб берди.

— Мактаб-интернатимиздаги айрим муаммолар хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Биринчидан, мактаб-интернатимизда прибор, грифель, ёзув дафтарлараи ва дарсликлар етишмайди. Иккинчидан эса мактаб-интернатни битираётган аксарият болалар қаёққа боришларини билишмайди. Чунки уларнинг қўлларида ҳунарлари йўқ. Мактаб-интернатда ўқувчилар учун бирорта устахона ишламайди. Бунга жавобан ҳар сафар моддий танқисликни рўкач қиламиз. Аслида эса бунинг учун бироз ҳаракату яна бироз эътибор керак булади.

Содиқ аканинг куйиниб гапиришида жон бор, албатта. Бугунги кунда келажак авлод тарбияси билан шуғулланмас эканмиз, эртага миллий ва мустақил фикрловчи кадр тайёрлашда оқсаб қолишимиз ҳеч гап эмас. Шу боис, ёшлар қай тоифага мансуб бўлмасин, хоҳ у соғлом, хоҳ ногирон эртанги кунда мамлакатимизга муносиб кадр бўлиб етишиши учун ҳозирданоқ қайғурмоғимиз шарт. Эзгулик сари ҳар дам олга интилувчи бу серфазилат инсоннинг яна кўплаб орзу-мақсадлари ва уларга йўлдош бўлган ўз мусиқий олами бор.

С.ТЎРАҚУЛОВА

Xullas...

ҚИЗЛАР БОШ ТОРТИШДИ

Бу кўҳна дунёда нималар бўлмайди дейсиз?

Мичиган деган ёқда, аниқроғи, шу шаҳардаги университетда кўз қўриб, қулоқ эшитмаган антиқа марафон бўлиб ўтади. Университет талабалари 12 йилдан бери ёзги семестрларнинг тугашини бир миль масофага югуриш билан нишонлайдилар. Спорт мусобақасидан фарқли уларок, югурувчиларга ҳеч қандай совга-салом берилмайди, кузатувчилар ҳам йўқ. Шунчаки озодликка эришиш маъносидаги югуришда иштирок этувчилар қип-ялангоч ҳолда бўлишлари керак. Дастлаб бу марафонда 30 нафар талаба иштирок этган бўлса, бора-бора уларнинг сони 1000 дан ошиб кетди. Шундан 250 нафари қизлардир.

Университет хавфсизлик хизмати талабаларни огоҳлантирди: ялангоч югурувчиларнинг фотосуратлари интернетда пайдо бўлиб қолиши мумкин ва бу ёш-ялангчлар шаънига яхши эмас. Айниқса, қизларнинг шу аҳволда тажовузга дуч келмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди.

Огоҳлантиришдан сўнг талаба қизлар марафонда қатнашишдан бош тортдилар...

«ҲАЛИ УЗОҚ ЯШАЙМАН!»

деган эди бундан ўттиз йил муқаддам, 1881 йилда туғилган Марина Тихоновага янги паспортнинг энди унга деярли керак эмаслигини таъкидлашганида.

Мана, орадан шунча йил ўтди. Туридан гўри яқин Марина Васильевна ҳамон ҳаёт. Кампир яқинда 117 ёш билан юзлашади. Абадий уйқуга у ҳануз шошилаётгани йўқ. Одамзотники шу: у ажалга дуч келмагунча ҳаётга ташна.

КЎЛГА ТУШИШДИ...

Кимда-ким шайтонни Раҳмоннинг кучига бўйсиндиролмас экан, ҳолига вой!

Ровийларнинг таъкидлашича,инсоннинг қонида етмиш мингта шайтон васваса қилиб туради...

Флотбек номли немислар яшайдиган шаҳарчада икки нафар ут учирувчи ишсизликдан зерикишди, шон-шуҳрат қозониш учун шайтон васвасасига учишди. Улар шаҳардаги дукон ва саройларни яширинча ёқиб юбора бошладилар. Ут қўйиш уларга учиришдан кўра қимматга тушди. Полициячилар буни сезиб қолишди.

Шўрлик ут учирувчилар қалтираб, ўзларини оқлай кетишди: «Бекорчилик жонга тегди, ахир! Биз ҳам ўз касбимизнинг аҳамиятини намоён этишимиз керак-ку!»

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

«ТИКО» БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Боксчинг муай-тай тури бўйича икки карра жаҳон чемпиони ва Таиланд Қироли Кубоги соҳиби Эркин Кўттибоевга Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси раиси Темур Камолов жаҳон майдонларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётгани учун автомобиль калитини топширди.

ҲАМЮРТИМИЗНИНГ БРОНЗА МЕДАЛИ

Енгил атлетика бўйича Жанубий Африка Республикаси пойтахтида ўтказилаётган Жаҳон Кубоги мусобақаларида ҳамюртимиз Андрей Абдувалиев бронза медалини қўлга киритди. Барселона Олимпиадаси ғолиби, икки карра жаҳон чемпиони, Осиё рекордчиси А.Абдувалиев босқон улоқтириш борасида учинчи натижага эришди.

СОВРИН ОЛМАСА ҲАМ

Милан шаҳрида, ҳарбий жамоалар ўртасида бўлиб ўтган навбатдаги жаҳон чемпионатида мамлакатимиз МХСК жамоаси 4-ўринни эгаллади. Гарчанд футболчиларимиз мусобақада совринли ўринларга эришмаган бўлсалар-да, ўйинлари хорижий мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

СОЛИҚ ВА СОБИҚ ЧЕМПИОН

Бокс бўйича собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсонга АҚШ Департаменти 61 хонали янги қасри учун 6,3 миллион доллар солиқ солди. Майк эса, айни пайтда бунча маблағга эга эмас. Собиқ чемпионнинг ҳаётда омади чопмай тургани ростга ўхшайди.

ЮТУҚ - 65 МИНГ ДОЛЛАР

Чехия пойтахти Прагада бўлиб ўтган Гарри Каспаров ва Ян Тимман ўртасидаги ўртоқлик учрашуви якунланди. Жаҳон чемпиони Каспаров 9 карра Голландия чемпиони Тимманни 6 партияли матчда 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратди, ютуқ Каспаровга 65 минг долларлик мукофот келтирди.

Qutlov

Ҳурматли Ҳамдамова Эркиной Аҳмаджоновна!

Сизни туғилган кунингиз ҳамда яқинлашиб келаётган «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» байрами билан чин дилдан қутлаймиз. Ёшларга таълим-тарбия беришдек масъулиятли ва савобли фаолиятингиз ҳамиша самарали бўлсин. Сизга соғлик-саломатлик, хушкайфият тилаймиз.

Тошкент шаҳридаги 266-мактаб жамоаси

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ҲАМДА МУТАХАССИСЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мутассаддилигида ўтказилаётган «Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» доимий илмий-методик анжуманининг (ЎТДА) навбатдаги йиғини 1999 йил апрель ойида Бухоро шаҳрида ўтказилади.

Анжуман «Таълим жараёнида нутқ маданиятини шакллантириш» мавзуси муҳокамасига бағишланади. Анжуманда таълимнинг барча бўғинларида она тили, эски ўзбек ёзуви, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган синф (гуруҳ)ларда ўзбек тили машғулотларида ўқувчи ва талабалар нутқ маданиятини шакллантириш хусусида фикр юритилади.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Республика Таълим маркази барча ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари ҳамда шу соҳа мутахассисларининг юқорида зикр этилган мавзу бўйича мунозарали маърузалари билан «Ўзбек тили» анжумани бешинчи йиғинида иштирок этишларини сўрайди.

Маърузанинг 1-2 бет ҳажмдаги қисқача баёни (тезис, машинка ёзувида) 1998 йил 1 январгача Бухоро Давлат университетига (Манзил: Бухоро -18, Муҳаммад Иқбол, 11);

бир нусхасини Республика Таълим маркази (Манзил: Тошкент -27, Ўзбекистон кўчаси, 80-уй)га «Ўзбек тили» анжумани ташкилий қўмитасига йўллашингиз сўралади. Тезисларда иш жойларингизни кўрсатишни унутманг.

НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

(700064,Глинка кўчаси,3)

1998 йил докторантура ва аспирантурага

қабул эълон қилади

Кундузги ўқиш учун
Докторантурага
1.13.00.01-Педагогика тарихи ва назарияси.
2.13.00.02-Ўқитиш назарияси ва методикаси.
3.19.00.01- Умумий психология.

Мақсадли аспирантурага
1. 07.00.02- Ватан тарихи.
2. 09.00.01-Диалектика ва билиш назарияси.
3. 10.01.02-Ҳозирги замон ўзбек адабиёти.
4. 10.01.03-Ўзбек адабиёти тарихи.
5. 10.02.02-Ўзбек (миллий тиллар) тили.
6. 13.00.01-Педагогика тарихи ва назарияси.
7. 13.00.02-Ўқитиш назарияси ва методикаси.
8. 13.00.03-Махсус педагогика.
9. 19.01.01-Умумий психология.
10. 19.00.07- Ёш ва педагогика психологияси.
11. 22.00.06- Маданият, маориф ва фан социологияси.
12. 23.00.04- Халқаро тизим ва жаҳон тараққиёти сиёсий муаммолари.

Сиртдан ўқиш учун
1.07.00.02-Ватан тарихи.
2.10.01.02-Ҳозирги замон ўзбек адабиёти.
3.10.01.03- Миллий адабиёт тарихи.
4.13.00.01-Педагогика тарихи ва назарияси.
5.13.00.02-Ўқитиш назарияси ва методикаси.
6.13.00.03-Махсус педагогика.
7.19.00.01-Умумий психология.
8.19.00.07-Ёш ва педагогика психологияси.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантурага ўқиш учун 35 ёшдан, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун эса 40 (докторантурага 45) ёшдан ошмаган, танланган ихтисослиги бўйича олий ўқув юртини битиргандан кейин камида 1 йил амалий иш тажрибасига эга булган ва илмий тадқиқот ишига қобилияти бор кишилар қабул қилинади.

Ёш мутахассислар бевосита олий ўқув юртини битиргандан сунг, олий ўқув юрти кенгашининг тавсияси билан аспирантурага кириш учун бўладиган танлов имтиҳонларига қўйиладилар.

Аспирантурага кириш учун аризалар университет ректорининг номига қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади:

Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа расми билан, таржимаи ҳол, охирги иш жойидан тавсифнома, дипломнинг нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси ҳамда синов ва имтиҳонлар варақасидан кўчирма, охирги иш жойидан оладиган маоши ҳақида маълумотнома (кундузги аспирантурага кирувчилар учун), эълон қилинган илмий ишлари рўйхати, босилиб чиққан илмий ишлари бўлмаган кирувчилар танланган ихтисослиги бўйича машина ёзувида 20-25 бет ҳажмида илмий маъруза, реферат топширишади, яшаш жойидан маълумотнома, тиббий маълумотнома.

Аспирантурага кирувчилар мутахассисликдан, Узбекистон тарихи, фалсафа ва бирор чет тили (инглиз, немис, француз)дан олий ўқув юртлари учун жорий этилган ўқув дастурлари ҳажмида танлов имтиҳонлари топширадилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда имтиҳонларни топшириш рухсат этилган шахсларга уларнинг имтиҳонларга тайёрланиши ва топшириши учун иш жойларидан иш ҳақи сақланган ҳолда 30 кунлик қўшимча таътил берилади.

Аспирантурага номзодлик имтиҳонларини қисман топшириб кираётган шахслар қолган имтиҳонларни топшириш учун ҳар бир имтиҳонга 10 кун ҳисобида таътилдан фойдаланадилар. Ариза ва ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 25 октябргача қабул қилинади. Маълумот олиш учун Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети илмий бўлимига (телефон: 55-50-95), ректорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари (55-52-30), аспирантура бўлимига (54-74-20) мурожаат этиш мумкин.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати ва математика факультети жамоаси «Математика ўқитиш методикаси» кафедрасининг доценти

Сайдамин АҲМЕДОВ вафоти муносабати билан оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

«Маърифат» газетаси жамоаси газета ходими Саломатхон Ҳасановага акаси

Вафохон ҲАСАНОВ вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси институт доценти С.Йўлдошевага турмуш ўртоғи

Рустам ЙЎЛДОШЕВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар:
Аҳмад ОТАБОЕВ,
Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

Газетани IBM компьютерида Лилия Бинашева ва Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0330. Тиражи 25.810. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-19.00. Г. 123456